

## Кириш

Бутун дунёда Kingston® савдо белгиси дейилганда, юқори сифатли маълумотларни сақлаш ускуналари хаёлга келади. Аммо бошқа юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи компаниялар билан бўлганидек Kingston Technology компанияси маҳсулотларининг ҳам машхурлиги, қалбаки маҳсулотлар ишлаб чиқарилишига сабаб бўлади. Текширувлар, расталарда етарлича катта миқдорда Kingston® савдо белгиси остида контрафакт маҳсулотлар сотилаётганлигини тасдиқлади.

Истеъмолчилар манфаатлари ва ўзининг юқори сифатли маҳсулотларини химоя этиш мақсадида Kingston Technology компанияси томонидан ушбу қўлланма ишлаб чиқилган бўлиб, у сизга харид қилган ёки келажакда харид қилишни режалаштираётган ускунангизнинг қалбаки эмаслигини тез фурсатда аниқлаб олиш имконини беради.



## Secure Digital High Capacity (SDHC) ва Secure Digital Extended Capacity (SDXC) хотира карталари

Kingston Secure Digital High Capacity ва Kingston Secure Digital Extended Capacity хотира карталарининг қалбаки эмаслигини аниқлаш учун улар Phantom юмалоқ химоя ёрлиғи билан таъминланган. Ёрлиқни ўзингиздан орқа томонга эгганингизда бу соҳада Kingston Technology компаниясининг логотипи пайдо бўлади.

Микромухрни кўриш учун уни бироз катталаштириш лозим. Микромухр, худди рангги ўчган чизикларга ўхшаб кўринадиган аммо бироз катталаштирилганда сўзларни ўқиш имконини берувчи матнли таркибий тузилишга эга.

Secure Digital High Capacity хотира карталари 4ГБ, 8ГБ, 16ГБ ёки 32ГБ хажмга эга бўлиши мумкин. Secure Digital Extended Capacity хотира карталари 64ГБ ва 128ГБ хажмга эга бўлиши мумкин.



Phantom ранглар ўзгариши соҳаси

Микромухр



### microSDHC Class 4 ва Class 10 UHS-1 4–32ГБ


microSDHC хотира карталари қалбаки маҳсулотлардан махсус химоя воситалари билан таъминланмаган. Уларнинг қалбаки эмаслигини тасдиқлаш учун интерфаол текширув веб-сайтидан фойдаланинг: [http://www.kingston.com/us/support/product\\_verification/](http://www.kingston.com/us/support/product_verification/)

microSDHC хотира карталари 4ГБ, 8ГБ, 16ГБ ҳамда 32ГБ хажмга эга ва уларда ранглар ўзгариши технологияси қўлланилмаган.



### microSDXC 64ГБ

microSDXC хотира карталарининг қалбаки эмаслигини тасдиқлаш учун картанинг пастки қисмидаги суратда ранглар ўзгариши технологияси қўлланилади. Турли бурчак остида бу сурат ўз рангини зайтун-яшил рангдан, пушти рангга ўзгартиради. Ранглар ўзгариши технологияси фақат 64 ГБ хажмдаги карталарда мавжуд.





### Стандарт CompactFlash хотира карталари

Kingston CompactFlash хотира карталари, Phantom юмалоқ химоя ёрлиғи билан таъминланган. Ёрликни ўзингиздан орқа томонга эгганингизда бу соҳада Kingston Technology компаниясининг логотипи пайдо бўлади.

Микромухрни кўриш учун уни бироз катталаштириш лозим. Микромухр, худди рангги ўчган чизикларга ўхшаб кўринадиган аммо бироз катталаштирилганда сўзларни ўқиш имконини берувчи матнли таркибий тузилишга эга.

Kingston Technology компаниясининг CompactFlash стандарт хотира карталари 4ГБ ва 8ГБ хажмга эга бўлиши мумкин.





### CompactFlash Ultimate хотира карталари

Kingston CompactFlash Ultimate хотира карталарининг қалбаки эмаслигини аниқлаш учун улар Phantom юмалоқ химоя ёрлиғи билан таъминланган. Ёрлиқни ўзингиздан орқа томонга эгганингизда бу соҳада Kingston Technology компаниясининг логотипи пайдо бўлади.

Микромухрни кўриш учун уни бироз катталаштириш лозим. Микромухр, худди ранги ўчган чизикларга ўхшаб кўринадиган аммо бироз катталаштирилганда сўзларни ўқиш имконини берувчи матнли таркибий тузилишга эга.

Kingston Technology компаниясининг CompactFlash Ultimate хотира карталари 600X тезликда 16ГБ, 32ГБ ва 64ГБ шунингдек, 266X тезликда 16ГБ, 32ГБ ва 64ГБ хажмга эга бўлиши мумкин.



Phantom ранглар ўзгариши соҳаси


### A/C Miltillovchi yorlig'i



Phantom ранглар ўзгариши соҳаси

Бразилияда қўлланилади

Маҳсулотнинг қалбаки эмаслигини аниқлаш учун, қадоқ, Phantom соҳаси мавжуд бўлган химоя ёрлиғи билан таъминланган бўлиб ёрлиқ чапга-ўннга, букилганда ушбу соҳа ўз тусини оловрангдан тўқ-оловрангга ўзгартиради.



Phantom ранглар ўзгариши соҳаси

Хитойда қўлланилади

Маҳсулотнинг қалбаки эмаслигини аниқлаш учун, қадоқ Phantom соҳаси мавжуд бўлган химоя ёрлиғи билан таъминланган бўлиб ёрлиқ чапга ўннга букилганда ушбу соҳа ўз тусини кўк рангдан тўқ-кўк рангга ўзгартиради.